



## CHOCH'S TRADE AND ECONOMIC RELATIONS WITH CHINA IN THE EARLY MIDDLE AGES

*Yakubdjan Kadirovich Mukhamedov*

senior lecturer, Ph.D.

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: [mukhamedov-2017@mail.ru](mailto:mukhamedov-2017@mail.ru)

---

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Choch, China, trade, economy, the Middle Ages.

**Abstract:** This article analyzes and discusses the trade and economic relations of Choch with China during the early Middle Ages.

**Received:** 04.06.23

**Accepted:** 06.06.23

**Published:** 08.06.23

---

## ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ЧОЧНИНГ ХИТОЙ БИЛАН ОЛИБ БОРГАН САВДО – ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ

*Якубджан Кадирович Мухамедов*

катта ўқитувчи, Ph.D.

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: [mukhamedov-2017@mail.ru](mailto:mukhamedov-2017@mail.ru)

---

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Чоч, Хитой, савдо, иқтисодиёт, ўрта асрлар.

**Аннотация:** Ушбу мақолада илк ўрта асрлар даврида Чочнинг Хитой билан олиб борган савдо – иқтисодий алоқалари мавзуси таҳлил ва муҳокама қилинган.

---

## ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ ЧОЧИ С КИТАЕМ В РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ

*Якубджан Кадирович Мухамедов*

старший преподаватель, к.т.н.

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: [мухамедов-2017@mail.ru](mailto:мухамедов-2017@mail.ru)

---

**О СТАТЬЕ**

---

**Ключевые слова:** Чач, Китай, торговля, экономика, Средневековье.

**Аннотация:** В данной статье анализируются и рассматриваются торгово-экономические отношения Чочи с Китаем в период раннего Средневековья.

---

**КИРИШ**

Чоч воҳаси Марказий Осиё худуди давлатлари билан қадимдан савдо иқтисодий ва маданий алоқалар олиб борган ҳудудлар сирасига киради. VI-VIII асрларга келиб, бу муносабатлар ўзининг юқори чўққисига кўтарилди. Мазкур даврда Чочнинг Хитой сулолалари билан савдо-иқтисодий алоқалар ва элчилик муносабатларини тадқиқ этиш муҳим ўрин эгаллайди.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Шарқ мамлакатлари билан ҳар томонлама алоқалар ривожда илк ўрта асрлар даврида минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган жараёнлар билан бир вақтда табиий-экологик вазият ҳам катта аҳамият касб этади. Мазкур даврда Марказий Осиёда содир бўлган экологик инқироз ушбу худудларда истиқомат қилувчи турли қabila вакиллари миграциясига сабаб бўлган. Ушбу миграцион жараёнлар натижасида, Сирдарёнинг ўрта ҳавзасидаги ижтимоий-иқтисодий, умуман урбанизация жараёнларини содир бўлишига олиб келди. Бундай вазият асосий хўжалиги чорвачилик бўлган кўчманчи қабилаларнинг шарқдан ғарбий худудларга оммавий кўчишига сабаб бўлган. Жумладан, кўйи Сирдарё худудларидаги қабилалар юқори Сирдарёга, ундан эса ғарбга-Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларига кўчиб ўтадилар. Бу ҳолат эса, милодий III асрга келиб қадимги йирик давлатлардан бири Қанғ инқирозга учрайди ва Қанғ таркибидаги мустақил мулкликлар (хукмдорликлар) ажралиб чиқади. Айнан мана шу даврда ўрта Сирдарё ҳавзаси тарихий харитасида Чоч мулки ва шу номли пойтахт пайдо бўлади[1]. Чоч мулкининг ривожланишида худуд сарҳадларини ортишида Марказий Осиёда юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳам асосий ўрин тутди. Жумладан, Хитой империясининг ғарбий худудларда ўз таъсир доирасини кенгайтиришга бўлган жиддий интилиши ғарб, хусусан, Ўрта Осиё билан савдо-иқтисодий алоқалар ривожда ҳам муҳим омил бўлди. Милодий 121 йилда Хунн қабилалари устидан йирик ғалабага эришгач, империя ғарбий ўлкаларни фаол “ўзлаштириш”га киришади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун Хитой императорлари томонидан ғарбий ўлкаларга йилига беш-олти, баъзи йилларда ўн мартадан кўпроқ йирик (таркибида бир неча юз киши) ва кичик (юз киши атрофида) элчилик миссиялари юборилган[2]. Бу каби элчилик муносабатлари илк ўрта асрлар даврида ҳам фаол олиб борилган бўлиб, 437 йилда Хитой элчисининг ғарбий ўлкаларга ташрифи ва у билан биргаликда (ғарбий ўлкадаги) 16 та мулкнинг, шу жумладан Чоч элчиларининг бир неча мартаба Хитойга ташриф буюрганлиги манбаларда келтириб ўтилган[3]. Бу даврда Шимолий

Вэй сулоласи (385-534) хукмдорларининг Ўрта Осиёга қизиқиши ортган. VI асрга оид «Вэй шу», «Тунгдянь» ва VII асрга оид «Бэйши» солномаларида айнан ўша даврда Хитойнинг Чоч - Чжэшэ (Чиачиат)[5] шунингдек, Хитой манбаларидан бири «Тундянь»да эса Чоч давлатининг Суй сулоласи (581-618) билан дипломатик алоқаси ҳақидаги маълумотлар алоҳида тилга олиб ўтилган[6]. Шубҳасиз, бу элчилик миссияларининг олдига қўйилган энг муҳим вазифалардан бири - ғарбий ўлкалар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш имкониятларини ўрганишдир. Бу жараён минтақанинг шимоли-шарқий ҳудудлари, яъни, дехқончилик воҳалари аҳолиси ва чорвадор қабилалар ўртасидаги энг муҳим воситачи - Сирдарё ўрта оқими ҳавзасида “асосий фаолияти дехқончилик ва чорвачилик бўлган қабилаларнинг савдо-иқтисодий алоқаларига қаратилган”[7] муҳим масалалардан бири бўлган.

Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзаси ҳамда унинг ўнг ирмоқлари-Чирчиқ ва Оҳангарон воҳалари уч томондан ўзига хос, тақасимон шаклда осмонўпар Тяньшань тоғининг ғарбий тизмалари - Чотқол, Қурама тизмасининг Сирдарёга қадар чўзилган тармоғи Қорамозор тоғлари билан ўралган. Географик жиҳатдан Фарғона ва Талас воҳаларига ўтиш учун жуда қулай довонларга эга бўлган Чоч тоғ ёнбағирлари чорва моллар ва зотдор отлар етиштириш учун ҳам анча қулайдир. Милодий III асрдан эътиборан, Сирдарё водийсига туташ бўлган текислик ва тоғ олди ҳудудларида фаол ўзлаштирилди. Бу эса чорвадор аҳоли ўртасида ўтроқ турмуш-тарзига ўтиш кучайганлигидан далолат берди. Ҳудудда урбанизацион жараёнларнинг кучайиши ўз навбатида, шаҳар ва шаҳар типидagi йирик хунармандчилик ва савдо-сотик марказларининг вужудга келишига олиб келди. Жумладан, Оҳангарон воҳаси бу даврда Чочнинг иқтисодий округи ҳисобланиб, воҳанинг турли ҳудудларидан кўплаб фойдали қазилмалар-Лашкарак кон ҳудудида кумуш, Қизиллмада олтин, Кўкрелда мис, Шовғазда темир хом ашёси қазиб олинган. Бундан ташқари махсус металлни қайта ишлаш марказлари-Тункат (Илок), Туккат (Қулота), ҳозирги Ангрен шаҳри яқинида Номсизтепа, Қўрғонтепа ва Киндиктепа каби йирик ишлаб чиқариш ва савдо-сотик манзиллари ривож топади[8]. Шунингдек, Чоч тоғларида Шарқ мамлакатларида “бахт ва ғалабаларга бардам берувчи”[9] ҳамда “кўз тегишидан, ёвуз рухлар ғазабидан, турли захарли хашаротлар ва илон- чаёнлардан асровчи тумор”[10] сифатида юқори қадрланган феруза (Хитой манбаларида “сэ-сэ”) тоши кўплаб қазиб олинган. Тадқиқотчилар фикрича, феруза қазиб олинган асосий кон Қорамозор тоғининг шимолий қисмида, Унгурлисойнинг ўнг қирғоғида жойлашган, бундан ташқари. Илок ҳудудида ҳам бир неча- Оқтепа, Гулдурак, Ферузакон каби унча катта бўлмаган конлардан ҳам юқори сифатли феруза қазиб олинган[11]. Феруза Чочнинг нафақат Шарқ мамлакатлари билан олиб борилган савдо-сотикда, балки, Сўғд шаҳарлари билан ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларида ҳам асосий маҳсулотларидан бири бўлган. Жумладан, Ерқўрғон шаҳри ибодатхонаси харобаларида (мил. III-V асрлар қатлами) олиб борилган тадқиқотлар вақтида

топилган олтин тақинчоқ қисми(кулон)ни айнан феруза тоши безаб турганлиги аниқланган[12].

Чоч воҳаси Марказий Осиё халқларининг савдо-иқтисодий ва маданий-этник алоқалари ривожда ўзига хос “кўприк” вазифасини ўтаган. Антик давр манбаларига кўра айнан Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси ўтроқ аҳоли ва кўчманчи чорвадор қабилалар ўртасидаги муайян муносабатлар макони бўлган. Жумладан, Страбон маълумотларига кўра “Яксарт суғдий ва кўчманчиларни бир биридан ажратиб туради”[13]. Дионисий Периегит эса “Суғдиёнадан сўнг Яксарт оқими бўйлаб камон билан жанг қиладиган, беҳато отувчи энг моҳир камончи саклар яшайдилар”[14] каби муҳим маълумотларни бериб ўтадилар. Бу борада дашт кўчманчиларининг дехқончилик воҳалари аҳолиси ўртасида ҳар томонлама алоқалар ривожда Чочнинг муҳим ўринга эга бўлганлигини ифода этади. Бундан ташқари, Чоч ва Фарғонанинг ўзаро алоқалари ҳудудда истиқомат қилган кўчманчи чорвадорлар мазор-кўрғонларидан дехқончилик ва чорвадор қабилаларга оид турли ашёларнинг учраши[15] милoddан аввалги I минг йиллик ўрталарида улар ўртасида ўзаро маҳсулот айрибошлаш савдосининг ривож топганлигини тасдиқлайди. Айрибошлаш савдосининг ривожда “Дашт йўли” муҳим аҳамиятга эга бўлган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу жараёнда кўчманчи чорвадор қабилалар тери, мўйна, жун ва жун маҳсулотлари ҳамда гўшт-сут маҳсулотлари эвазига ўтроқ аҳолидан харбий қурол-яроғ ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини айрибошлаганлар[16]. Географларнинг тадқиқотларига кўра, айнан Чочнинг кўчманчи қабилалар (турклар)га туташ ҳудудларига кўчманчилар терини ишлов берилмаган ҳолда олиб келар, кейин эса улар ўтроқ аҳоли томонидан қайта ишланар эди[17].

Юқорида келтирилган маълумотлар мазкур давр савдо-иқтисодий алоқалар ривожда Чоч билан бир вақтда Суғднинг ҳам алоҳида мавқега эга эканлигини кўрсатади. Суғд - Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг қадимги урбанизациялашган макони ҳисобланиб, ўз таркибида Зарафшон дарёси юқори ва ўрта оқимидаги дехқончилик воҳаларини ишғол этган Самарқанд Суғди, дарёнинг қуйи оқимида, шимолда Қизилқум саҳроси ва ғарбда Амударёга қадар чўзилган, ярим даштликлар билан чегараланган Бухоро Суғди, шунингдек, Қашқадарё воҳасида Жанубий Суғд ерларини ишғол этган. Жанубий суғд номи остида тилга олиб ўтилган. Манбаларда минтақанинг мазкур даврдаги Шарқ, хусусан, Хитой билан савдо-иқтисодий алоқаларида суғдийларнинг фаол иштироки ҳақида маълумотлар келтирилиб ўтилади. Жумладан, хитойшунос олим Э.Шефер бу даврда Евроосиё карвон савдоси йўлларида тужжорларнинг халқаро сўзлашув тили суғдий бўлганлиги унинг халқаро майдонда етакчи ўринда туриши ҳақида таъкидлаб ўтади[18]. Бу бежиз эмас эди чунки, “..Ғарбда ва узок Шарқда тараққий этган буюк цивилизациялар ўртасидаги ҳар томонлама савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида “Ўрта Осиё аҳолиси - бактрийлар, парфияликлар, хоразмийлар

ва албатта, энг аввало, суғдийлар энг муҳим ўрин тутадилар”[19]. Савдо- иқтисодий алоқаларда Суғд ва Чоч тужжорлари Ғарб ва Шарқда ишлаб чиқарилган, ўз даврининг энг харидоргир талаб юқори бўлган маҳсулотлар билан бир қаторда маҳаллий хунармандлар томонидан тайёрланган турли хунармандчилик буюмлари билан ҳам савдо-сотик қилганлар. Зеро, “...улар (суғдийлар) Шаркий Туркистон воҳалари ҳамда Хитой шаҳарларига Суғд цивилизациясининг маданий ютуқларини ҳам олиб келганлар, бу ерларда ўз тамаддунларини яратганлар”[20]. Шарқ мамлакатлари билан олиб борилган савдо- иқтисодий алоқаларда кўчманчи қабилалар билан олиб борилган савдо-сотик муҳим ўрин тутди. Бу жараёнда савдо-сотикнинг энг қадимги даврларда шаклланган маҳсулот айирибошлаш тури кенг ёйилган эди. Жумладан, минтақанинг шимоли-шарқий сарҳадлари билан туташ ҳудудларда яшаган кўчманчи қабилалар орасида Суғд хунармандлари томонидан тайёрланган, Ўрта Осиёнинг кушон-сосоний жамияти ихтироси ҳисобланган, хайвон суяги ёки шоҳлари билан безатилган мураккаб шаклдаги камонлар[21], баланд, оқ рангли жун (кигиз) бош кийимлари харидоргир бўлган. Ўз навбатида, суғдийлар кўчманчи қабилалардан ҳарбий кийим-кечакнинг бир қисми ҳисобланган этикларни[22] айирибошлаганлар. Бу савдо-сотик алоқаларида Чоч тужжорлари ҳам муҳим мавқени эгаллаган. Хусусан, “Эски Суғд хатлари”даги маълумотларга кўра, “Чочликлар миқдорига кўра Самарқанд ва Бухоро савдогарларидан кейинги учинчи ўринни эгаллайдилар”[23].

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, илк ўрта асрлар даврига келиб Чоч савдо сотик тизимида ўз тараққиётининг энг юқори босқичига кўтарилди, пойтахт эса йирик хунармандчилик ва савдо-сотик марказига айланди. Чочнинг халқаро карвон савдоси чоррахасида жойлашганлиги унинг биринчи навбатда Шарқ мамлакатлари билан олиб борилган савдо-иқтисодий алоқаларда фаол иштирок этишини таъминлади. Милодий III-IV асрлардаёқ Шарқий Туркистон ҳудудларида савдо колонияларига эга бўлган Суғд тужжорлари билан биргаликда чочликлар ҳам кизгин савдо- сотик алоқалари олиб бордилар. Ғарбий Турк хоқонлиги ва Суғд юқори табақасининг муштарак манфаатлари Суғд тужжорларининг шарқий йўналишдаги савдо-иқтисодий алоқаларида етакчи ўринни эгаллашига сабаб бўлди[21], бу алоқаларда фаол иштирок этган Чоч ва Суғдликларни буюк ипак йўли савдосидаги халқаро бозорларини эгаллашга замин яратиб берди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903;. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв. н.э.). Ташкент. Нац. биб-ка А. Навои, 2007- С. 40-85.
2. Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology,

8. – Kamakura 2002. – P. 155–196;., Хатамова Н. Турк хоқонларининг Чочдаги қароргоҳлари: Жабғукат ва Хотункат. Тошкентнинг 2200 йиллигига // Ўзбекистон тарихи журнали. №2, 2009 – Б-3-14.

3. Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // TURKS. – Ankara, 2002. – Vol. 2. – P. 364–372;., Исҳоқов М.М. Сўғд тилида ёзилган ноёб хужжатлар // Археологлар хикоя қиладилар.-Тошкент. Фан,1974.-Б.31-39.

4. Ходжаев А. Наиболее ранние сведения китайских источников о государстве Шаш (Ташкент) // O'zbekiston tarixi. - 2005.№ 2. - С. 3-18., Отахўжаев А. Антик ва илк ўрта асрлардаги дипломатик муносабатларнинг манбаларда ёритилиши / Ўзбекистонда элчилик ҳизмати тарихидан. Тошкент. Адабиёт учкунлари, 2016.-б.16.

5. Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. – Wiesbaden, 2008., Буряков Ю.Ф. О втором караванном пути из Согда в Шаш // ОНУ – Ташкент, 1972. №3.

6. Schafer E.N. The golden peaches of Samarkand. A study of T'ang exotics. Berkley and Los Angeles. 1963. - P. 55-56; Ртвеладзе Э.В. Самарканд на Великом Шелковом пути // Самарканд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Тошкент-Самарканд. 2007. - С. 110-111., Отахўжаев А. Антик ва илк ўрта асрлардаги дипломатик муносабатларнинг манбаларда ёритилиши / Ўзбекистонда элчилик ҳизмати тарихидан. Тошкент. Адабиёт учкунлари, 2016.-б.18.

7. Aalto P. The name of Tashkent // CAJ. Vol. XXI. – Wiesbaden, 1977. – P. 193-198., Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар.-Тошкент. Fan va texnologiya, 2008.-Б.50-60.

8. Esin E. İleriş Kağan Mezarı Sanılan Şivet Ulan Külliyesi // IX. Türk Tarih Kongresi. Kongreye Sunulan Bildiriler. II. Cilt. – Ankara, 1988. – S. 575-576., Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших Средней Азии в древние времена. Алматы – Жалынбаспасы, 1998. -С.162.

9. Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Ankara, 2003. – S. 121-123., Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э.-VIII в.н.э.-М., 1989.-С.133.

10. Stein A.M. A journey of geographical and archaeological exploration in Chinese Turkestan. - London: Geographical society,1902. - 36 p., Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. Тошкент. Fan va texnologiya. 2008.б-50.

11. Отахўжаев А. Турк – сўғд қарвон йўллари – сиёсий, иқтисодий, маданий ва этник муштараклик ВШП. Культура и традиции. Прошлое и настоящее: Матер. науч.-теор. конференции. – Ташкент, 2006. – Б.145-151.

12. Беруни Абу Райхан. Собрание сведений для познания драгоценностей

(Минералогия). Пер. и прим. А.М. Беленицкого. - Л., 1963. – С.158

13. Семенов А.А. Из области возрений мусульман Средней Азии на качество и значение некоторых благородных камней и минералов // Мир Ислама. Вып.1. СПб.,1912. -№3.–С.298.
14. Буряков Ю.Ф. О втором караванном пути из Согда в Шаш // ОНУ.1972. - №3
15. Страбон. География в XII книга х.–М., 1964, XI. –Р .8.
16. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в.до н.э.-VII.в.н.э. Самарканд-Ташкент, 2000 – С.95.
17. Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. Тошкент. Fan va texnologiya. 2008.-б. 66.
18. Древние авторы о Средней Азии. (VI в.до н.э.-VI в. н.э.). Ташкент. 1940- С.23.
19. Горбунова Н.Г. Роль традиционных путей передвижения скотоводческих племен и сезонных перекочевок в сложении торговых путей в древности // Формирование и развитие трасс Великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. Тезисы докладов международного семинара ЮНЕСКО. Ташкент, 1990. - С.33-35.
20. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – Б.432.
21. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. –М., 1970. – С.113-123.
22. Shafer E. The golden Peaches of Samarkand. A Studies of Thang Exotics. – Bearcley– Los Angeles, 1963. Есть русский перевод – Шафер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах империи. – М., 1981. – С. 305, 448.
23. Ртвеладзе Э.В. Из истории Великого шелкового пути // Мозийдан садо. – 1999. – № 3. – С. 8–13.
24. Muhamedov, Y. (2021, November). Chach As The Administrative Center Of The Western Khanate. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 75-79).
25. МУХАМЕДОВ, Ё. (2021). ЧОЧ ҲУҚМДОРЛИГИНИНГ СИЁСИЙ-МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВИ ТАРИХШУНОСЛИГИ. In *Uzbek Conference Publishing Hub* (Vol. 1, No. 01, pp. 508-512).
26. Ochildiyev, F. B. (2022). SOCIO-POLITICAL PROCESSES IN THE BUKHARA EMIRATE IN THE SECOND HALF OF THE XIX-EARLY XX CENTURIES. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY (2767-472X)*, 3(03), 13-20.
27. Ochildiev, F. (2021). THE INFLOW OF RUSSIAN CAPITAL AND INDUSTRY INTO THE BUKHARA EMIRATE IN THE LATE 19TH AND EARLY 20TH CENTURIES. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY (2767-472X)*, 2(06), 20-26.
28. Очилдиев, Ф. (2021). Деятельность российских фирм и банков в Бухарском эмирате конец XIX начало XX веков. *Общество и инновации*, 2(10/S), 421-429.

29. Mukhamedov, Y. Q. (2022). CHACH ADMINISTRATIVE CENTER OF THE WESTERN TURKIC KHAGANATE. American Journal Of Social Sciences And Humanity Research, 2(05), 46-52.

30. Muhamedov, Y. K. (2019). THE HISTORY OF COMMERCIAL ECONOMICAL-CULTURAL RELATIONS OF TASHKENT OASIS. Theoretical & Applied Science, (10), 579-582.

31. Muhamedov, Y. (2021, November). Chach As The Administrative Center Of The Western Khanate. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 75-79).